



# Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 16 июль,  
№59 (1026)

www.mahallagz.tuz info@mahallagz.tuz

## ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ҳаётдан мамнунлик,  
келажакка ишонч туйғуси  
Истиқлол суруридан

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди «Ким эдигу, ким бўлдиқ?!» ҳаётий ҳақиқатини асосий ғоя сифатида белгилаш вазифаси илгари сурилгани шахсан мени чуқур мушоҳадага чорлади. Дарҳақиқат, атиги 23 йил олдин биз ким эдик?! Фарзандларимиз бугунгидек жаҳонни лол қолдириши, ҳар соҳада ҳеч кимдан кам эмаслигини намойиш эта олишини тасаввур этганимидик?!



■ Тўлқинбой МАМАСИДОВ,  
Хўжабод туманидаги  
Шаҳрихонсой шаҳарча  
фуқаролар йиғини раиси.

Бошқа соҳани кўйинг, биргина кишлоқ аҳолисини томорқа хўжалиги билан таъминлаш бўйича Президентимиз ташаббус билан ўтказилган ислохотлар кишлоқ аҳоли истиқлоли учун қўйилган тамал тоши бўлганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Юртбошимиз раҳбарлигининг дастлабки йилларида мамлакатимиздаги вазиятни чинакамига ўнглаш, кишлоқларнинг ҳаётга қарашини, бугунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш ниятида зорур ва жуда мушкул эди. Бундай шароитда Президентимиз аҳолининг иқтисодий аҳолини яхшилаш заруратини чуқур англаб, ҳал қилувчи аҳамиятга эга долзарб бир масалани — одамларга томорқа ер беришни кун тартибига қўйди. Ушбу

соғий-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳали мустақил бўлмасимиздан, 1989 йилда «Кишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яққа тартибда уй-жой қуриш учун барча шароитларни яратиб бериш ҳақидаги қарор қабул қилинди. Мамлакатимиз бўйлаб кенг қўл оч ёйган мазкур ислохотлар истиқлол боис янги куч ва руҳ олди. Бунинг натижасида ҳар бир қорич ер кўзга тўтиё, аҳолиси энг жипс жойлашган Андижон вилоятида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Одамлар бу ғамхўрликдан руҳланди, ерга меҳр қўйди. Маҳаллаларда ердан унумли фойдаланиш, кафдек томорқани хонодон хазинасига айлантириш борасида тажрибалар тўплана бошлади. Мустақиллик тўғрисида ҳаёт тарзининг тубдан ўзгариши бевосита аҳоли томорқа хўжалигининг кенгайиши билан ҳам боғлиқлигининг бугун барчамиз яққол гувоҳимиз. > [2]



## Ватанга муҳаббат барча ютуқ ва марраларнинг асосидир

Истиқлолимизнинг ўтган 23 йили том маънода тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида жамиятимизнинг барча жабҳаларида ривожланиш, халқимиз турмуш фаровонлигининг муттасил ошиши, халқаро ҳамжамиятда давлатимиз нуфузининг юксалиши, энг муҳими, тинчлик, осойишталик барқарор бўлган эркин фуқаролик жамияти кўриши даври бўлди.

■ Жавайт ИНОҒОМОВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат  
фонди Тошкент шаҳар  
бўлими бошқаруви раиси.

Ҳадемай энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг қутлуғ 23 йиллигини тантана қиламиз. Бу йилги айём тадбирлари Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон

Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарориди белгиланган «Яғонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя асосида ўтказилиши халқимиз дилидаги ўй-орзуларни, эзгу мақсадларни ўзида яққол ифода этгани билан аҳамиятлидир. Халқимиз бежиз истиқлол байрамини

ўзгача интиқлик билан кўтмайди. Чунки бу айёмнинг ҳаётимизда тутган ўрни бекиёс. Мустақиллик тўғрисидаги юртимиз аҳолиси ўз орав-истакларининг рўйбичини кўриб, муносиб турмуш шароитига эга бўлди. Асрлар синовида ўтган, миллий анъана ҳамда қадриятларимизнинг ажралмас қисми — маҳалла фуқаролар йиғини истиқлол тўғрисидаги ўзининг ҳуқуқий мақоми, қонуний ваколатларини олди. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни нафақат тарихи улуғ, балки келажаги буюк давлат сифатида таниди. Бугун ўзбекна бошқарув тизими — маҳаллалар фаолияти билан қизиқиб, унинг таъсирчан ва ҳар томонлама самарали тажрибасидан ўрнак олаётган давлатлар сони ортиб бораётгани сир эмас. > [2]

### МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

Катта синов ва маҳорат мактабида тобланганлар

Бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимида катта ҳаётий тажрибага эга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, миллий анъана ва урф-одатларни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсата оладиган фаол хотин-қизлар хизмат қилишмоқда.



■ Фарҳод ЭСОНОВ  
«Mahalla»

«Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг бу йилги Бухоро вилояти шаҳар ва туман босқичларида 400 нафардан зиёд маслаҳатчи беллашди. Айни чоғда улар оилалар тинчлиги, ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятлар тарбияси, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятда маҳалла институти нуфузини ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашишди.

Танловнинг вилоят босқичида ўз ишида фаол, миллий қадриятларимиз тарғиботини йўлга қўйиш ва оилаларни таъминлашнинг олдини олиш бўйича катта тажрибага эга эканлигини кўрсата олган Қорақўл туманидаги «Дўрмон» маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси Саломат Комилова биринчи ўринни қўлга киритган эди. Яқинда Навоий шаҳрида бўлиб ўтган танловнинг республика босқичида ўз соҳаси бўйича чуқур билимга эга эканлигини яна бир қарра исботлаб, беллашувнинг мулаққоблигига айлангани фидойи маслаҳатчи меҳнатларининг муносиб эътирофи бўлди. > [4]

### МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

Ислохотлар изчиллигининг кафолати

Китоб туманидаги Севаз кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди тоғ бағрида жойлашган. Йиғин аҳолиси, асосан, боғдорчилик билан шуғулланади. Томорқаларда мева-сабзавот, полдиз маҳсулотлари етиштирилади. Оқдарё ва Оқсув дарёлари irmoқлари кишлоқлар оралаб оқиб ўтади. Шу боис бу ҳудудда сув сероб, ер эса ҳосилдор.

■ Санобар БОЙМУРОДОВА  
«Mahalla»

Фуқаролар йиғини ҳудудида 1 та маҳалла ва 8 та кишлоқ мавжуд. Уларда 16 ярим минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда кишлоқлар янада обод бўлиб, кўркэм киефа касб этмоқда, аҳолининг турмуш маданияти ошиб борапти. Чунки янгидан-янги иморатлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо мажмуалари, чойхонаю тўйхоналар қурилиб,

фойдаланишга топширилмоқда. Энг муҳими, эзгу ишларга тадбиркор фермерлар бош бўляпти.

— Ҳар чоракда туман ҳокими Узоқ Худойқулов туман прокурори ва ички ишлар бўлими бошлиғи ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан фуқаролар йиғинига келиб, аҳоли билан учрашади. Юртимизда амалга оширилётган ислохотлар, жойлардаги муаммолар ва уларнинг ечими хусусида ҳисобот беради, — дейди йиғин раиси Насриддин Қаландаров. > [2]



### ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Мустаҳкам ва кафолатли банк тизимига ишонч тобора ортаётир

Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда улкан ютуқларга эришиляётир. Бу, шубҳасиз, юртимизда ҳукм сураётган иқтисодий-молиявий барқарорликнинг амалдаги ифодасидир.

Муваффақиятларимиз ҳар қанча юксак бўлмасин, бугунги тезкор давр барча соҳалардаги каби иқтисодиёт йўналишида ҳам тинимсиз изланишни тақозо этмоқда. Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда: «... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўзга яққол ташланиб турган афзалликлари

ва катта имкониятлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бугунги кунда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялли ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инobatта оладиган бўлсак,

бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади».

Дарҳақиқат, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида қулай ишбилармонлик муҳити яратилди ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар шакллантирилди. Иқтисодиётда маблагсиз бирор натижага эришиш қийин. Кичик бизнес равнақи ҳам унинг қай даражада молиявий қўллаб-қувватланаётганига боғлиқ. Шу боис республикада банк тизими томонидан хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини мунтазам ошириб бориш ҳамда банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



> [3]

### РАМАЗОН ҲИҚМАТЛАРИ

Меҳр-шафқат,  
мурувват ва  
саховат айёми

Халқимизнинг маънавий-руҳий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи муборак Рамазон ойини уюшқоқлик билан ўтказишда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 24 июндаги «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ой мустақиллигимизнинг 23 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик олиб бориляётган пайтга уйғун келганида ҳам катта рамзий маъно бор, албатта.

■ Чарос ТУРСУНОВА.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими ходимлари айни шуқуқли кунларда ҳар дамидан-да фаол ва ташаббускор. Воҳада ҳамкор ташкилотлар билан бирга муборак ойда эҳтиёжман кишиларни қўллаб-қувватлаш, тарихий обидларни, муқаддас қадимчи ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш, маҳалла ва оилаларда эзгу анъаналарни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирлар ўтказилди. Хусусан, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар ва ёлғиз кексалардан 119 нафарига 25 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳрибонлик, Мурувват ўйларига 30 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош тўхта қилинган бўлса, маҳаллалар аҳлига 15 миллион сўмлик парронда тарқатилди.

Шунингдек, Термиз шаҳри, Олтинсой, Сарийосиё, Жарқўрғон, Термиз, Шеробод туманларидаги бир неча кам таъминланган оилалар Фондининг муруватидан баҳраманд бўлди.

— Ҳар бир мусулмон киши учун Рамазон ойи бу — савоб ишлар қилиш, меҳр-этибор ва ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш учун муносиб имкониятдир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Отабек Бобожонов. — Миллий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда бемор ва кексалар, ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатишга эътибор қаратялмиш. Шу билан бирга, маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари вакиллари кўмағида маҳалла фуқаролар йиғинларида муборак ойини байрамона руҳда ўтказиш, жойларда ташкил этилаётган ободонлаштириш, хайрия тадбирларида аҳоли, айниқса, ёшларнинг фаол иштирокисини таъминлаш, халқимизга хос ўзаро дўстлик ва қўни-қўшилар ўртасида меҳроқибат туйғуланини улуғлашга қаратилган маърифий ишлар олиб боришмоқда.

Бу қутлуғ ойда бой миллий қадриятларимизни, инсоний фазилатларимизни намойиш этаётган юртдошларимиз дўстлик, биродорлик туйғулари янада мустаҳкамламоқдалар. Зеро, эзгулик, меҳр-шафқат, мурувват ва саховат бор жойда барака, тўқинлик барқарор бўлади.



МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

# Катта синов ва маҳорат мактабида тобланганлар

< [1]

Ҳақиқатан ҳам С.Комилваннинг худудда ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тодбиркорликни кенг ривожлантириш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, кучли ижтимоий муҳофазани йўлга қўйиш, тўй ва бошқа маросимларни ихчам, тартибли ўтказиш, маҳалладаги маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишда фаоллик кўрсатиб келётгани эътиборга лойиқ. Соғлом бола йилида маслаҳатчи ташаббуси билан оилаларни мустаҳкамлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш бўйича 30 дан зиёд тадбир ўтказилди.

Ушбу тадбирлар самараси маҳаллада сўнги уч йилда бирорта ажрим кузатилмаганида, 10 дан ортиқ нотинч оилаларда муҳит соғломлаштирилгани мисолида ҳам намойён бўлди. Қолаверса, аёллар саломатлиги билан боғлиқ масалалар ечимида туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлиги мустаҳкам йўлга қўйилгани, ҳар йили маҳалладаги хотин-қизлар учун махсус тиббий кўрик ташкил этилётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқилган низомида маслаҳатчи фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун ушбу қонун ҳужжатлари маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркор-



лик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, «мустаҳкам оила», «обод турмуш», «соғлом бола» ғояларининг жамият ҳаётида амалий ифодасини қарор топтиришда дастуриламал бўлмоқда. Хуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятидан яхши хобордор маслаҳатчи сай-ҳаракатлари билан маҳаллада ташкил этилган оилани ижтимоий ҳимоялаш марказида 50 нафардан зиёд хотин-қиз тивувчилик, каштачилик, зардўзлик билан шугулланиб келаётир.

Шунингдек, у зиммасидаги вазифаларни бажаришда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, «Ота-оналар университети» оъзолари, фаол аёллар, катта ҳоёт тажрибасига эга нурунийлар билан бамаслаҳат иш-

лаётир. Ҳамкор ташкилотлар билан худудда олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасида сўнги 3 йил ичида хотин-қизлар, ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари қайд этилмади. Биргина жорий йилнинг ўтган доврида маҳаллада 40 нафар хотин-қиз ва 75 нафар бола оммавий спорт турлари билан мунтазам шугулланишга жалб қилинди.

Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш ҳамда она-Ватан ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашни муқаддас бурч санайдиган дўрмонликлар ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Худуддаги мавжуд компьютер ўйинхоналари маслаҳатчининг ҳаракати

туфайли компьютер ўргатиш курсларига айлантирилди. Айтиш мумкин, маҳалланинг ўнлаб ўғил-қизи замонавий қурилмага доир билимларини бойитмоқда.

— Бугунги давр биз маслаҳатчилардан тезкорликни, зийракликни, шижоат ва ташаббускорликни талаб этмоқда, — дейди С.Комилова. — Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси кўрик-танловида ортирган билим ва малакамиз фаолиятимизда қўл келаетир. Чунки биз танловлар доврида ёшлар тарбияси, оилалар мустаҳкамлиги, қўшилар тотувлиги, аждодлардан мерос қадриятларни эъзозлаш ва бошқа кўплаб вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ илғор тажрибаларни ўргандик. Танловнинг республика босқичи ғолиби деб эътироф этилганим ҳаётимдаги иккинчи улкан воқеа бўлди. Ўтган йили Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидagi ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони асосида «Шўхрат» медали билан тақдирланган эдим. Бу каби эътирофлардан беҳад хурсандим. Албатта, булар барчаси фаолиятимни янада самарали ташкил этишида менга куч-ғайрат, рағбат бағишлайди.

«Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» танловининг аъносивий тарзда ўтказиб келинаётгани маслаҳатчилар учун ўзига хос синов ва маҳорат мактабидир.



## Самолёт уриб туширилди

Исроилнинг ракетага қарши мудофаа тизими Ғазо худудидан учирилган Фаластинга қарашли учувчисиз самолётни уриб туширган.



Учоқни Тель-Авивдан 30 километр узоқликда Ашдош шаҳри атрофида «Patriot» русумли ракета «кутиб» олган. Илгарги «Ха-

мас» вакили гуруҳнинг жанговор қанотида Исроил худудидан махсус вазифаларни бажаришга қодир бир нечта ана шундай самолётлар борлигини айтган, бироқ бу факт тасдиқланмаган.

Исроил ҳарбийлари Ғазо худудига бир қанча зарбалар берган. Фаластин соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, бунинг оқибатида тинч аҳолидан 160 нафар киши қурбон бўлган. Ғазо минтақасидан мингдан зиёд ракеталар учирилган, бироқ Исроил худудидан қурбонлар йўқ.

## «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

### «Ёшлик» яшил майдонида

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» спорт мазмунида вилоят маҳаллаларининг 9-10 ёшли ўсмирлар жамоалари ўртасидаги «Футболимиз келажаги» республика турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

#### Хусниддин ХОЛДОРОВ.

Мусобақа «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят моданят ва спорт ишлари босқирмаси, вилоят футбол федерацияси, соғлиқни сақлаш, ички ишлар босқирмаси, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилди. Унда туман ва шаҳар босқичларида ғалаба қозонган футбол жамоалари ғолиблик учун тўп суришди.

Мусобақа натижаларига кўра, Жомбой тумани Алишер Навоий номидаги ма-



ҳалланинг ёш футболчилари биринчи ўринни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олишди. Каттақўрғон туманидаги «Ботот» маҳалласи жамоаси иккинчи, Иштихон тумани Кўчкор Қаршиев номидаги маҳалла спортчилари учинчи ўринга муносиб топилди.

## БЎШ ВАҚТГА МАЗМУН НАҚД

# Иқтидорли, истиқболли ёшлар сафи кенгаймоқда

Қува туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази аъзоси Умиджон Турсунов ва Шохрух Турсунбоев катапультта ёрдамида учувчи самолётлар тайёрлаш бўйича республика кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритди.

#### Расул КАМОЛ «Mahalla»

Туман «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларнинг касб-ҳунар ўрганишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказда 1215 нафар йилга қўриқ-бичиш-тиқиш, компьютер саводхонлиги, пазандалик, мунчолик бозак, фото ва киноҳаваскорлик, расм-соччилик, рақс, дурадгорлик, мусоа, экология ва саёхатшунослик каби 42 турдаги тўғаракка қатнайди. Улар-

дан 129 нафарига кам таъминланган оилалар фарзанди сифатида олоҳида имтиёзлар берилган. Ўтган йили марказ тўлиқ реконструкция қилинди. Хоналар таъмирланиб, 163 миллион сўмлик замонавий ўқув жиҳозлар билан таъминланди. Бу эса ўқувчиларнинг туман, вилоят, республика миқёсидаги кўрик-танловларда юқори ўринларни қўлга киритишда муҳим омили бўлмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ёш кино ва фотоҳаваскорлар» танловида марказ аъзоси Саиджон Саидқаримовнинг лойиҳаси 2-ўринга муносиб топилди.

— Ўртбошимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида инглиз тили тўғрисидаги ташкил этгонимиз, — дейди марказ директори Матлубали Холматов. — Ҳозир 130 нафар бола 13 та гуруҳда хорижий тилларни ўрганипти. Машғулотлар тажрибали педагоглар ёрдамида интер-фаол усулларда олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг мактабда олган билимларини амалда мустаҳкамлашда қўл келмоқда. Марказимиздан узоқда яшайдиган ўқувчи-ёшларга қулайлик яратиш мақсадида туман мактабларида тўғараклар ташкил этиб, уларга 250 нафардан зиёд ўқувчи жалб қилинган. Шунингдек, «Урабоши» маҳалла фу-

қаролар йиғинида тўғарак раҳбарлари томонидан олиб борилётган машғулотлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Қуни кеча «Тинчлик», «Раст», «Ғайрат» маҳалла фаоллари бир ёқадан бош чиқариб, марказнинг 3-тажриба-синов майдончасида «Жониворларни асраш» мавзусида тадбир ўтказди. Унда «Ёш табиатшунос» тўғрисида оёқ-оёқларга қулайлик мавзусига оид рефератлар танлови ва сахна кўринишлари ташкил этилди, «Оқ тепа» зиё-чи-ёшларга қулайлик яратиш мақсадида туман мактабларида тўғараклар ташкил этиб, уларга 250 нафардан зиёд ўқувчи жалб қилинган. Шунингдек, «Урабоши» маҳалла фу-

қаролар йиғинида тўғарак раҳбарлари томонидан олиб борилётган машғулотлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Қуни кеча «Тинчлик», «Раст», «Ғайрат» маҳалла фаоллари бир ёқадан бош чиқариб, марказнинг 3-тажриба-синов майдончасида «Жониворларни асраш» мавзусида тадбир ўтказди. Унда «Ёш табиатшунос» тўғрисида оёқ-оёқларга қулайлик мавзусига оид рефератлар танлови ва сахна кўринишлари ташкил этилди, «Оқ тепа» зиё-чи-ёшларга қулайлик яратиш мақсадида туман мактабларида тўғараклар ташкил этиб, уларга 250 нафардан зиёд ўқувчи жалб қилинган. Шунингдек, «Урабоши» маҳалла фу-

қаролар йиғинида тўғарак раҳбарлари томонидан олиб борилётган машғулотлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказида ҳар бир кун, ҳар бир машғулот қизиқарли, ўзига хос тарзда ўтади. Бундай қулайликлардан фойдаланётган иқтидорли, истиқболли ёшлар сафининг кенгайиб бораётгани эса бизни янада қувонтиради.

## Тармоқ ўйинчоқ эмас

Эронда саккиз нафар йиғит «Facebook» ижтимоий тармоғида ҳукуматга қарши руҳдаги хабарлари учун озодликдан маҳрум қилинган.



дан буён «Facebook», «Twitter» ва «YouTube» тармоқларида кириш тоқилган. Шунингдек, жорий йилнинг 23 майидан эътиборан «Instagram» ҳам тақиқ қўйилган. Ҳукумат вакилларининг фикрича, мазкур ижтимоий тармоқ мамлакат фуқароларининг шахсий ҳаёти дахлсизлигини чегаралаб қўяди. Виртуал маконни ҳимоялаш учун мамлакатда интернет-жиноятчилиги бўйича махсус бўлим мавжуд. Шунингдек, 2012 йилдан буён интернетни назорат қилишга ихтисослашган махсус агентлик ҳам фаолият кўрсатмоқда.

**Маҳалла**  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ, МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

**Бош муҳаррир**  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:  
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148 20750 нусхада чоп этилди. Буюртма S-402

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли  
Мусаҳҳих: Н.Азимова  
Навбатчи: Т.Низомов  
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Топшириш вақти — 21.00

## Хурматли юртдошлар!

### «Асака» банк (ОАЖ)

кўйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини тақлиф этади:

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**

**«ТАЪТИЛ — 2014»**  
Омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«БАРАКАЛИ»**  
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

**«ИМТИЁЗЛИ»**  
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ суя, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари) айналтирилади.

**«СОҒЛОМ АВЛОД»**  
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**

**«ШОДИЁНА»**  
(АҚШ долларига)  
Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1»**  
(ЕВРОга)  
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргалликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:	Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	Наманган вилоят филиали	369 226-91-45
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	Навоий вилоят филиали	436 770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371 140-39-36	Зарафшон филиали	436 573-18-75
Юнусобод филиали	371 221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365 223-70-05
Сирғали филиали	371 257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366 233-65-47
Андижон вилоят филиали	374 298-02-10	Афросиёб филиали	366 221-75-40
Асака филиали	374 233-15-68	Қашқадарь вилоят филиали	375 221-07-41
Фарҳод филиали	374 226-97-53	Сурхондарь вилоят филиали	376 770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373 224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-56
Марғилон филиали	373 237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362 226-96-03
Олтиариқ филиали	373 432-10-11	Сирдарь вилоят филиали	367 225-44-03
Кўқон филиали	373 552-61-06	Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!**

**«Асака» банк — сармомангизни сақлашни ва кўпайишини кафолатлайди!**  
*Хизматлар лицензияланган.*



## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ҳаётдан мамнунлик, келажакка ишонч туйғуси Истиқлол суруридан

Ватанга муҳаббат барча ютуқ ва марраларнинг асосидир

&lt; [1]

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сори» таъминоти асосида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этаётганини ҳар қадамда кузатиш мумкин. Ватанимизни янада тароққий эттиришда муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш бевосита маҳаллаларнинг моддий-техник базаси мустақамлигига боғлиқ.

Шу маънода бугун ўз биносига эга, қулай меҳнат шaroити муҳайё этилган фуқаролар йиғинлари талайгина. «2012-2016 йилларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустақамлаш» Дастури асосида жорий йилда маҳалла фуқаролар йиғинларининг идораларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, моддий-техник базасини мустақамлаш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, Соғлом бола йилида пойтахтимиздаги 15 та маҳалла биносини капитал, 20 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган.

Миллий ва замонавий меъморчилик андозалари асосида қурилоётган гузарлар қаторига пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам қўшилди. Ўзига хос мажмуа кўринишини олган, муҳташамлиги билан ажралиб турадиган йиғин гузарига аҳолига маиший ва тиббий хизмат, тадбиркорлик марказлари учун барча шaroитлар яратилган. Энг муҳими, гузарда маҳалланинг ёшлари учун янги иш ўринлари яратилди.

Маҳалла гузари ҳам тарихий, ҳам замонавийлиги ўзида муҷассамлаштирган мажмуа сифатида бошқалардан фарқ қилади. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида хашар йўли билан барпо этилиб, давлатимиз мустақамлигининг 23 йиллик байрами орафасида фойдаланишга топширилган ушбу мажмуада аҳоли учун барча қулайликлар мавжуд. Маҳалла раиси, масъул котиб, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори, профилактика нозирини учун қулай шaroит яратилгани иш унумдорлигини ошириш имкониятини тугдириди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида пойтахтимиздаги 14 та маҳалла фуқаро-



лар йиғинининг биноларини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Ҳозиргача Миробод туманидаги «Оқ уй», «Янги Замон», «Толарик», «Биродарлик», Сергели туманидаги «Дўстлик», Ҳамза туманидаги Амир Темур ва Ал-Бухорий номидаги ҳамда «Моҳинур» маҳалла идоралари муқаммал таъмирланди. Шунингдек, Чилонзор туманидаги «Ботирма», «Дўстлик», «Катта Хирмонтепа», Юнусобод туманидаги «Минор», «Янгиобод» ҳамда Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу мақсадларга Фонднинг туман бўлинмалари ҳисобидан 100 миллион сўндан зиёд маблағ йўналтирилди.

Юқори малакали, катта ҳаётий таърибага эга маҳалла мутасаддисиди бугун ўз фаолиятини замонавий, барча шaroитларга эга биноларда олиб боришни истайди. Шу боис айна пайтда пойтахтимиз маҳаллаларини компьютер жамланмалари, мебель жиҳозлари ва бошқа зарур техника воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор

қаратамиз. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида 3 та маҳалла фуқаролар йиғинига компьютер жамланмалари, 16 тасига принтер, 2 тасига нуска кўчириш апарати, 32 тасига мебель жиҳозлари олиб берилди.

Бундан ташқари, пойтахтимиздаги барча фуқаролар йиғинларида истиқлол шодиёналарини кўтаринки руҳда қутиб олиш мақсадида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Ҳар бир кўча, йўл, болалар майдончалари, хиёбонлар тартибга келтириляпти. Бу ишда нафақат маҳалла фаоллари, балки ёшлар ҳам фаол қатнашиб, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшoётгани кувонарли ҳол, албатта.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир юртдошимиз учун ҳаммаша ягона, тенгсиз ва муқаддас Ватан севгиси, киндик қони томган она туپроқнинг ҳароратли тафти ҳар қандай бойликдан-да азиз ва қадрлидир. Зотан, Ватанга садоқат туйғуси жамики ютуқ ва зафарларнинг доясидир.

МАҲАЛЛАДА ҲИСБОТ

Ислохотлар изчиллигининг кафолати

&lt; [1]

Галдаги учрашувда маҳалла фаоллари, фермер ва тадбиркорлар иштирок этди. Аввало, туман ҳокими мамлакатимизда мустақамлик йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар, маҳалла тизимига янги таҳрирда қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, фуқаролар йиғинларида берилган ваколатлар ҳусусида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, касб-хунор коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди. Бундан ташқари, ҳоким ўз ҳисоботида Севоз ҳамда Сарисоёё кишлоқларига шаҳарча мақоми берилгани муносабати билан уларда махсус чиқиндиҳоналар барпо этиш ҳақида тўхталди.

Аввалги учрашувда аҳоли ҳудуддаги «Хўжайлик» ҳамда «Оқсув» зиёратхоналари таъмирлаш ва ободонлаштириш ташаббуси билан чиққан эди. Туман ҳокими ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, маҳаллий бюджетдан маблағ ажратди. Бу хайрли ишга ҳомий ташкилотлар ҳам жалб этилди, зиёратхоналар таъмирланиб, атрофлари ободонлаштирилди. Зиёратчилар учун зарур шарт-шaroит яратилди. Қадимки ёнидан оқиб ўтаётган Оқсув дарёси қирғоқлари тош терилди. «Оқсув» зиёратхонадаги 500 метр, «Хўжайлик» қирғоқларида 1 километр масофадаги йўл асфальтланди.

Гулбоғ кишлоғида кўпдан буён ичимлик суви муммо бўлиб келатган эди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Н.Қаландаров. — Жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган ҳисоботда бу ҳақда фикр билдирилди. Кўп ўтмай кишлоқда артезиан кудуги қазилиб, 1 километр узунлик-

даги ичимлик суви қувури тортилди. Албатта, бундай эътибордан аҳолининг юқори идораларга бўлган ишончи ортадики, натижада ҳудудлар инфратузилмасини янада яхшилаш имкони кенгайди.

Туман ҳокимилиги кўмагида фуқаролар йиғини ҳудудда жорий йилнинг биринчи ярмида 37 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бешта ишлаб чиқариш цехи фаолият бошлади. Сарисоёё ва Севоз кишлоқларидаги Хўжақул тепа ёнбағирлари мармор тошга сероб. Ҳокимнинг ташаббуси ва кўмаги билан марморни қайта ишлайдиган корхона иш бошлади.

Фуқаролар йиғини аҳли мева-сабзавот етиштириди. Шу боис аҳоли томонидан ҳокимга махсус музлаткич омиборлар қуриш зарурлиги ҳақида тақлиф билдирилди. Қисқа фурсатда ҳудудда 10 минг тонна махсус музлаткичдан 3 та музлаткич олиб келиб ўрнатилди. Натижада «Севоз табиий шарбатлари» кичик корхонасида узлуксиз ишлаш имкони юзга келди.

Ҳудудда 26 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилган. Туман ҳокими яна 20 гектар ерда боғ яратиш тақлифини ўртага ташлади. Бу йил Севоз кишлоқ хўжалик касб-хунор коллежини 176 нафар ўқувчи тамомлади. Уларнинг 56 нафари ҳудуддаги фермер хўжаликлари билан ўш томонлама шартнома имзоласди эришди.

Туман ҳокими ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарларининг фуқаролар йиғинида ҳисобот бериши аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиликлардан хабардор қилишда, фуқароларнинг фаолиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, аҳоли турмушини янада фаровонлаштиришга ҳисса қўшиш эзу амаллардандир.



&lt; [1]

Узоққа бормайлик, биргина бизнинг маҳалламиз мисолида томорқа хўжалигини ривожлантириш ортидан амалга ошаётган ишларга бир кўр назар солсак.

Маҳалламиз аҳолиси азал-азалдан деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Кишлоғимизнинг қўқ ўртакдан оқиб ўтаётган Шаҳрихонсой бўйлари боғдорчилик, асаларичилик, узумчилик, пиллачилик ривожини учун жуда қулай. Табиати сўлим. Ёз чилласида ҳам Чилустун тоғларидан эсган шобада мевали дарaxтлар, сабзавот ва полиз экинларини турли ҳашаротлардан асрайди. Шу боис бизда томорқа хўжалигини яхши даромад олинди.

Авваллари бу соҳада ҳар ким билганича иш юритарди. Натижада бир йили картошка ҳосили кўпайиб кетса, пияз, помидор етишмас, бу ҳол нарх-навога ҳам таъсир кўрсатарди. Кейинги беш йилда томорқа хўжалигини юритишда фуқаролар йиғинининг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси ташаббусни қўлига олди. Тармоқни тизимли ривожлантириш юзасидан алоҳида режа ишлаб чиқилди.

Кейинчалик бу масалага Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича комиссия аъзолари ҳам жиддий киришди. Чунки мазкур комиссия низомида «...чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалигини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга кўмаклашиш» ҳақида алоҳида банд киритилган.

Томорқачиликдаги муваффақиятларимизга изчил чора-тадбирларни қўллаш орқали эришдик. Даставвал мавжуд томорқа майдонларининг аниқ ҳисобини олдик. Экин майдонимиз 41 гектардан зиёд экан. Бу озиқ-овқат дастурида илгари сурилган вазифаларни рўёбга чиқаришда катта имконият дегандир. Режага кўра, 15 гектар ерга помидор, 12 гектар ерга картошка, қолганига пияз, булғор қалампир, дуккакли экинлар экилди. Бу, албатта, хондон соҳибларининг розилиги билан амалга оширилди.

Биринчи ҳосил йиғиштириб олинган, картошкадан бўшаган майдонларга кузги помидор кўчатлари ўтказилди. Тезпишар маккажўхори донидан ҳам юқори ҳосил олинди. Бир сўз билан

айтганда, томорқа маҳалланинг асосий даромад манбаига айланди. Бу фикрни бир рақам билан далилламакчиман. Бизда жами 520 та хондон бор. Яқинда ҳисоб-китоб қилдик: енгил машиналар сони 287 та экан. Аниқ биламан, истиқлолдан илгари фақат бир кишида «Москвич» автомашина бор эди. Бугун енгил машина харид қилишга кўрб етидиганлар сони ортомқда, кишлоқнинг ўз меҳнатидан завқланиш, ҳаётсеварлик ҳисси ошмоқда.

Мен шундан хурсандманки, оталар изидан бориб ёшлар ҳам она заминга меҳрини берапти. Маҳалламиздаги ёш ишбилармон Сайёрахон Қорабоева фақат помидор ва булғор қалампирни кўчатлари етиштириш ортидан катта даромад олаётди. Ҳашаматли иморатдан ортганига «Дамас» автомашинаси сотиб олди. Бу оилада етиштирилган кўчатларга водийнинг турли кишлоқларидан харидорлар бор.

Салкам 40 сотих ерда гилосдан боғ яратган Фарҳод Йўлдошев қўшимча равишда асаларичиликни ҳам ташкил этди. Топган маблағидан нафақат оиласининг иқтисодий аҳволини ўнглади, балки кишлоқдаги газ қувурларини таъмирлашга аниқгина маблағ ҳам ажратди.

Юқорида номи баён этилган, йиғиннинг асосий йўналишлари бўйича фаолият юритаётган икки комиссиянинг қўшма йиғилишида соҳибкор Дамин ота Аҳмаджонов, Бободехқон Аскаралли Сатторов, Олим ота Шокировнинг томорқа хўжалигидан фойдаланишдаги тажрибалари оммалаштирилди. Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиббаси Тожибархон Йўлдошева фуқароларимизнинг айнан шу жабҳодаги фаолияти ҳақида буклет тайёрлаб, маҳалла аҳлига тарқатди.

Фарҳанадиган яна бир далилни айтмасам бўлмас. Бундан 10 йил илгари маҳалламизда 180 та кам таъминланган оила рўйхотга олинган эди. Бугун эса бирорта ҳам бундай оила қайд этилмаган. Яқиндаги ҳисоб-китобга қараганда, 41 та нисбатан кам даромадли хондон бор экан. Биз бу оилаларга тажрибали миришкорларни бириктириб, томорқадан унумли фойдаланиш, мўл ҳосил олиш йўли-йўриklarини ўргатдик.

Ҳаёт сабоқлари шундан далолат берадики, меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Биз буни маҳалламиз мисолида яққол кўри турибмиз.

## СУРХОНДАРЁ ТОМОНЛАРДА

## Замонавий гузар

Олтинсой тумани Оқарбулоқ кишлоқ фуқаролар йиғини таркибидан «Жалибулоқ» маҳалласининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

## ■ Шаҳло ДЎСТМУРОВОВА.

— Маҳалламиз ҳудудига янада кўрк ва чирой бағишлаб турган идорамизнинг замонавий бинога эга бўлишида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинма-

си ҳамда ҳудудимиздаги тадбиркорлар ақиндан кўмак берди, — дейди йиғин раиси Омон Жовлиев.

Барча қулайликларга эга бинода фуқароларни қабул қилиш учун ҳам зарур шарт-шaroитлар яратилган.

## ОБОД КЎЧА ЭҒАЛАРИ

## Сайрамликлар саришталикни қадрлайди

— Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Сайрам» маҳалласи ям-яшил дарaxтлар, гуллар, кенг ва раван йўллар, ранго-ранг чироқлар билан янада кўрк қўйди касб этган, — дейди йиғиннинг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш

ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси раиси Васила Сиддиқова. — Тозалик бор жойда кут-баракат бўлади. Бу анъанага амал қилган аҳоли ўз хондонларини атрофидан янада сақлашга одатланган. Бунда, албатта, кўчабошиларнинг хизмати катта.



## ■ Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla»

Маҳаллада ҳар ҳафтанинг дам олиш кунлари ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Хайрли ишда кўчабоши Дилором Аббосова бошқош. Ҳудудни саранжом-сарийшта тутишда комиссия аъзолари билан ўрнатилган ҳамкорлик атроф-муҳитни файли ва фусункор бўлишига хизмат қилмоқда. Бунда, айниқса, кўчабошининг мазкур комиссия аъзоси экани,



ларимиз сифатлиги ва бежиримлиги билан қисқа куч талаб қилмайди, — дейди тадбиркор. — Дастгоҳ ёрдамида кўнуга минг дондон ортик махсуслот ишлаб чиқариляпти. Махсуслот-

ўй-жой мулкдорлари ширкатлари, «Махсустрон» корхонаси билан олиб борилаётган сай-ҳарақатлар яхши самара бераётди.

— Йиғинимиз аҳолиси аҳил ва иноқ, — дейди Д.Аббосова. — Ҳудудимизни обод масканлардан бирига айлантиришда бирдамлик қўл келмоқда. Тозалик кунларида турли мевали ва манзарали дарaxтлар атрофини саришта талаб, кўчатларни парваришлаймиз ва маҳалламиз киёфасини ўзгартиришга ҳаракат қиламиз. Ҳозирда минг тупдан зиёд гул кўчати яшнаб, маҳалла кўркига кўрк қўшиб турибди.

Йиғинда турмуш маданиятини ошириш бўйича ибратли ишлар олиб борилаётди. Бу йил ҳам ҳудуддаги оилалар ўртасида «Энг обод кўча», «Сариштали хондон», «Гулзор

кўрик-танловларини ўтказиш режалаштирилган.

Фуқаролар йиғини қошидаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш бўйича комиссия томонидан аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда мактаб ва мактабга қаша талим муассасалари маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Экология ва биз», «Табиатни асрайлик», «Экологик маданият қандай шаклланди?» каби мавзулардаги тадбирлар аҳолини, айниқса, ёшларнинг табиатга бўлган меҳрини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳа, ободлик, саранжом-сарийшталикни юксак қадрлайдиган сайрамликлар маҳалла ҳудудини янада серфайз ва фусункор қилишга астойдил бел болаган.

# Мустаҳкам ва кафолатли банк тизимига ишонч тобора ортаётир



< [1]

Мазкур жараёнларда мамлакатимиз банк тизимининг асосий мақсади ташаббускорликни ўз қўлига олган ҳолда пухта ишлаб чиқилган молиявий тадбирлар орқали тадбиркорликни ишончли йўлга қўйишдир. Шу мақсадда банк тизими тадбиркорларга ҳамкор ва таянч бўлишдек вазифани тўла ўз зиммасига олди ва мамлакатимиз ишбилармонлик муҳити вакилларининг ишончини қозониб бормоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан 2011-2014 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш юритаётган тадбиркорларнинг ўз фаолиятларида мамлакатимиз банк тизимининг ўрни ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратилган изланишлар мунтазам ўтказиб келинаётган. Айнан тадбиркорлар мамлакатимиздаги молия муассасалари ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳақоний фикр айта олодилар. Зеро, уларнинг ушбу тизимга ишончи бу борада катта аҳамиятга эгадир. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу социологик тадқиқотлар тадбиркорларнинг ва жамоатчиликнинг қўрилаган масала юзасидан фикрлари тўғри шаклланишига хизмат қилади.

Тадқиқотлар натижалари асосида банк-молия тизимининг янада самарали иш юритишига йўналтирилган тақлифлар ишлаб чиқилиб, тизим фаолиятида кенг қўлланилган. Ҳар бир социологик сўровнинг асосий кўрсаткичлари матбуот нашрларида оммага ҳавола этилмоқда.

Навбатдаги сўровлар оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда ҳудудларда аҳоли, хусусан, ишбилармонларнинг банк тизимига ишончи ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганишга бағишланиб, юртимизнинг барча ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари орасида ўтказилди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказининг мазкур сўровлари қатнашчилари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, ёшлар ва аёл тадбиркорлар хорижий қўшма корхоналар вакиллари бўлди.

Ўз фикрини билдираётган респондентларни танлашда тадбиркорлик соҳасининг барча тоифаси (оилавий тадбиркорлик, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ва микрофирма) қамраб олинди, хусусан, касб-хунар коллежлари ёш мутахассислари, тадбиркор аёлларга эътибор қаратилди.

Дастлабки ҳулоса шундан иборат бўлдики, мамлакатимиз шаҳарларида «микрофир-

ма», «кичик корхона» тадбиркорлик субъектлари кўпроқ бўлса, қишлоқларда яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ривожланган. Аёлларнинг 36,0 фоизи ушбу турдаги тадбиркорлик билан шуғуллансалар, эркеклар орасида кичик корхона субъектлари (25,2 фоиз) вакиллари кўпроқ.

Айни пайтда оилавий тадбиркорлик шакли, қўшма ошиб бораётган. Бу ўринда Фарғона водийси вилоятлари, Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кўрсаткичи республика кўрсаткичидан юқорида. Тадбиркорлар ёш жиҳатлари бўйича таҳлил қилинганда, 18-24 ёшдагилар (46,6 фоиз) ва 25-29 ёшдагилар (36,9 фоиз) яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келса, 30-39 ёшдагилар (27,5 фоиз) ва 40-49 ёшдагиларнинг (28,0 фоиз) аксариятини кичик корхона субъектлари вакиллари ташкил этди. Олий маълумотлиларнинг энг кўпи, яъни (31,3 фоиз) кичик корхона субъектлари вакиллари.

Тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланиш истиаги тобора ортиб бораётгани, яъни тизимга ишонч кучаяётгани ва қўлай ишбилармонлик муҳити яратилаётганида банкларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигидан далолатдир. Сўровлар жараёнида мамлакатимиздаги тижорат банкларидан қай бирининг фаолияти эътирофга лойиқлигига доир фикрлар ҳам ўрганилди. Натижалар сарҳисоб этилганда «Саноатқурилишбанк», «Ипотекабанк», «Агробанк», «Миллийбанк», «Асакабанк», «Трастбанк», «Қишлоққурилишбанк», «Савдогарбанк» филиалларининг фаолияти ҳудудларда катта эътиборга эгалиги оён бўлди.

Албатта, мазкур сўровларда «Ушбу банкнинг фаолияти қандай баҳо берасиз?» деган саволга олинган жавобларда ижобий баҳо 95,4 фоизни ташкил этди. Ҳудудлар бўйича — Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Фарғона водийси вилоятларида аксарият тадбиркорлар банклар фаолиятига ижобий баҳо берди.


Банк фаолиятининг мамнунлигини баҳолаш бўйича берилган саволларга «Банк ҳимматлари ўз вазифаларини сидқидилан малакали бажардилар» (95,9 фоиз), дея жавоб берилган бўлса, кейинги ўринларда «Маслаҳат бериш ва муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатилади», «Омонатларни сақлаш бўйича бажариладиган барча операциялар ўз вақтида амалга оширилади», «Белгиланган тартибга тўла амал қилинади, қонун бузилишига йўл қўйилмайди» (96,4 фоиз) каби жавоблар берилди.

Сўровда иштирок этганлар (97,8 фоиз) омонатга пул қўйишда ҳал қилувчи омил сифатида биринчи ғалда «Банкка бўлган ишончнинг қайд этган бўлса, кейинги ғалда «Оқори даромадлилиги», «Мабла-

ларнинг кафолатланганлиги» каби жавобларни беришди.

Сўровда, шунингдек, ҳудудий дастурларга қиртилган лойиҳаларга банклар томонидан ажратилаётган кредитлар самардорлигига ҳам эътибор қаратилди. Респондентлар (97,5 фоиз) кредит оlishда муаммо йўқлигини таъкидлашди, улардан «Кредитлашнинг тартиби қоидалари соддалаштирилгани кредит оlishда катта имконият яратиб бермоқда», деган жавоб олинди. Бу борада тадбиркорларнинг фикрини ҳам алоҳида ёзма боён қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

«Корхонамиз 2005 йилда фаолиятини бошлаб, чармдан



пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланарди. Аммо ҳомишэ бошқа мамлакатлардан келтирилиши тўғрисидаги кредитлар юқори самара бераётганини, бу тадбиркор аёллар сонининг ортишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлаган.

«Аёл зоти эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлса, бор имкониятини ишга солиди. Севишли соҳасида тадбиркорликни йўлга қўйса, қўзла-жоиз бўлса, орзу-мақсадимизга эришишимизда «Ипотека банк» катта ёрдам қўрсатди. Банкада ресурсларни умуман муаммо бўлмаган. Келинг, бу борада корхонамиз мисолида фикр юритай.

Корхонамизни қайта йўлга қўйиш мақсадида банк ҳодимларига пайпоқ тўқиси ускунасини сотиб олишга доир бизнес режими тақдим қилдим. Режа уларга маъқул бўлиб, кредит ажратишга қарор қилишди. 741,2 миллион сўм кредит маблағи эвазига ускунасини сотиб олдик. Бизнес режаси асосан ишимиз ўнгилаб, қўзлаган натижага эришдик. Махсуслаштирилган сифати юқорилиги сабабли тезда ўз харидорларини топди.

Орадан беш ой ўтиб, ҳомишэ сотиб олиш мақсадида 120 миллион сўм кредит олдик. Ушбу қарз ўз вақтида тўланди. Корхонамизнинг айланма маблағини тўлдирши учун яна 18 ой муддатга 61,9 миллион сўм кредит олдик. Бу қарзимизни ҳам ҳақдан асосида тўламоқдамиз.

Энг катта кредитни жорий йилнинг 14 январидан олдик. 1,2 миллиард сўм кредит маблағига ҳомишэ ҳамда қўшимча «ZX-6F» русумидаги 42 та пайпоқ тўқийдиган ва болалар кийимини ишлаб чиқарадиган ускуна харид қилиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Ушбу кредитларни олишимизда бирор марта ресурс маблағи муаммо бўлмаган. Мазкур лойиҳамиз эвазига 50 та янги иш ўрни яратилди. Юқори технология ускуналарни бошқараётган аёллар сони 27 тага етди. Корхонамизда 36 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси иш билан таъминланди.

Шунга амин бўлдимки, олинган маблағни самарали ишлатиш кони фойда экан. Банклар тадбиркорларнинг яқин ҳамкорига айланган. Жамомизнинг барча ходимлари номидан банк раҳбариятига самимий миннатдорлигимизни билдириб қоламиз.

Юртимизда мустаҳкам ва кафолатланган банк тизимини олишнинг самарали иш юритаётгани аниқ шундай муваффақиятлар асосидир. Шунинг учун ҳам биз тадбиркорларнинг иши ривожланиб, сафимиз йилдан-йилга кенгаймоқда.

Сўровларда аёллар тад-

«Қишлоққурилишбанк»нинг ўрни алоҳида.

Корхонамиз ташкил этилган кундан бошлаб ҳозиргача банкнинг доимий кўмагини маблағини тўлдирди. Жумладан, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида банкка 250 миллион сўм кредит сўраб муножараат қилган эдик. Банк ходимлари бизнес лойиҳамизни қўллаб-қувватлаб, маблағни берди. Ушбу молиявий мадд бизга нафақат моддий таянч, балки руҳий далда ҳам бўлди. Шу боис ҳамкоримиз «Қишлоққурилишбанк»дан миннатдоримиз.

Кредит маблағини тўғри йўналтиришимиз тўғрисида ҳозир туманимиз аёлларидан 40 нафари доимий иш билан таъминланди. Шулاردан 10 нафари коллеж битирувчилари. Маблағ бўлмаса, ишлаб чиқаришда натижага эришиш имложсиз. Банкларнинг беиминнат кўмаги тўғрисида йўлаган барча мақсадларимизга эришяптимиз. Бунда, давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган имтиёзлар бизга қанот бўлмоқда.

Ўтган йил давомида 160 минг донадан ортик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди. Маҳсулотларимиз маҳаллий бозорда ўз ўрнига эга. Банкдан яна 300 миллион сўм кредит олиб, болалар кийимлари ҳамда аёл ва эркеклар учун турли хилдаги пайпоқлар ишлаб чиқаришни, уларни хорижга экспорт қилишни режалаштирдик. Қишлоқларда фуқоролар имтиёзли кредитлар олиб,

да тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжалиқларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қандай самара бермоқда?», деган саволга респондентлардан (98,9 фоиз) мазкур имтиёзли кредитлар қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини янада яқшилатиб билан бирга, уларнинг иш билан бандлигини таъминлашда қўлайликлар яратмоқда, деган жавоб олинди.

Уларнинг фикрича, ушбу кредитлар аҳоли томоқсидида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишда муҳим омил бўлаётган. Қолаверса, бу ҳол бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари мўтадиллигига ҳам замин яратётганини таъкидланди.

«Бугунги кунда юртимиздаги ўзгаришлардан қалбингиз гурुरга тўлади. Халқимиз тинч, осуда ва бахтли ҳаёт кечирмоқда, — дейди Жондор туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғинидан юрдоқимиз Қодир Қаландаров. — Қишлоғимиз аҳолиси банкларнинг амалий ёрдами билан барча орзу-мақсадларига эришмоқда. Томорқаларида турли қўчатлар етиштириб, етти хазинанинг бири — паррандочилик, асалоричилик, қорамолчилик билан шуғулланаётган, оилалари фаровонлигини таъминлаётган.

Қишлоғимиз тадбиркорлари банк кредитлари эвазига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, топаётган даромадларини орзу-хавасларига ишлатмоқдалар, автомашиналар сотиб олиб бахтли яшашмоқда. Банклар-



яни иш ўринлари яратилишида ҳам муҳим роль ўйнамоқда» (98,9 фоиз), деб жавоб беришган.

Иккинчи ўринда «Микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратмоқда» (97,8 фоиз), деган жавоб олинган бўлса, учинчи ўринда «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга микрокредитлар бериш бўйича қатор қўлайлик ва имтиёзлар яратилгани аҳолини, хусусан, аёллар ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда» (98,1 фоиз), дея фикр билдирилган. Бунда респондентларнинг кўпчилиги юқоридagi ҳар учала жавобни маъқуллаган.

Фаолияти давомида тижорат банклари кредитдан самарали фойдаланиб, мақсадидаги тўлиқ эришгани ва бу жараёнда жиддий қийинчиликларга учрамаганини билдирган тадбиркорлар сони ҳам юқори — (97,9 фоиз) кўрсаткичи ташкил этмоқда.

Мазкур тадқиқотта яна муҳим мажмувий мақсус савол киритилди. Бу савол билан тадбиркорлар томонидан ҳудудларда ишбилармонлик муҳити, айниқса, банк-молия соҳасининг ҳозирги кундаги ҳолатига бериладиган баҳо аниқланди.

Бунинг учун сўровномада: «Республикамиз ва унинг ҳудудларида ишбилармонлик муҳити, хусусан, банк-молия соҳасининг ҳозирги кундаги ҳолатига баҳо бериш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини ўз ўрнида яратилган шарт-шароитлар ўзгаришини баҳолаш», деган савол шакллантирилди. Мазкур савол юзасидан респондентлар томонидан «...банк тизимида ишбилармонлик муҳити яратилгани банклардан қисқа муддат ичида ҳеч бир муаммосиз кредитлар олиб, бизнесимизни йўлга қўйиш имконияти тўғрисида» (97,5 фоиз), деган жавоб олинди.

Қишлоқ ҳўжларида кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг ташкил этилишида банкларнинг ўрни борасидаги сўровлар натижаси қуйидагича: респондентлар (98,7 фоиз) имтиёзли кредитлар кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш билан бирга хорижий давлатларга маҳсулот экспорт қилишда ҳам банклар яқин ҳамкор бўлаётганини таъкидлашди.

Яна бир муҳим сўров жойларда Марказий банк ташаббуси билан Бош прокурату-

ра, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Қамолот» ЕИҲ билан ҳамкорликда ўтказилаётган амалий ўрашувларнинг самараси хусусида берилди. Мазкур саволга «...ушбу амалий ўрашувлар тадбиркорликни йўлга қўйишда катта ёрдам бермоқда, барча саволларга тўлиқ жавоблар оляпти, ёшларимизнинг иш ўринларига эга бўлишларида имкониятлар яратмоқда», деган жавоблар олинди.

Тадқиқотда айрим хорижий қўшма корхона раҳбарларининг банкларни ишончи ортиб бораётгани ҳам қайд этилди.

«Қарийб ўн йилдирки, «Ўзбекистонда қўшма корхона» фаолият қўрсатиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси раҳбари Сат Зиндер Сингх. — Қолаверса, Ўзбекистон банклари жаҳон андозларида жавоб берадиган даражада самарали фаолият кўрсатаётган. Бунга тўла асосим бор. Чунки қўшма корхонанинг банк тизими билан танишман. Лекин Ўзбекистон банкларининг тадбиркорларга яқин ҳамкорлиги диққатга сазовордир. Тадбиркор учун барча имкониятлар яратилган. Бизга нуфузли банклардан бири — «Асакабанк» хизмат қўрсатади. Барча банк операцияларини офисимиздан туриб, интернет орқали бажарамиз.

Корхонамиз асосан фармацевтика соҳаси билан шуғулланади. «Асакабанк»дан миллиярд сўмлаб кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Банкларнинг тўмонидан яратилган қўлай инвестицион муҳит бизни муваффақиятлар сари етакламоқда. Банкларнинг бўлган ишончимизни қўриқлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз Ўзбекистонда фаолият юритаётганимиздан ҳурсандимиз».

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази сўров натижалари аҳолининг банкларга ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат бермоқда. Буларнинг барчаси, албатта, давлатимиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар, давлат дастурларининг банк тизими томонидан ўз вақтида, сифатли ижро этилаётганининг амалдаги ифодасидир.

Ўтақзилган сўров натижаларига қўра, соҳани ривожлантириш борасида тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу эса тизимнинг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.